

“ЎЗБЕКИНВЕСТ” ЭИСК” АЖ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ УЙ-ЖОЙИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ОММАВИЙ ОФЕРТАСИ

Ушбу Оммавий оферта (кейинги ўринларда – “Оферта”) “Ўзбекинвест” ЭИСК АЖ (кейинги ўринларда – Суғурталовчи) томонидан ноаниқ жисмоний шахслар доирасига (кейинги ўринларда Суғурта қилдирувчи) қуйидаги шартларда, Суғурталовчининг ахборот тизимлари орқали жисмоний шахсларнинг уй-жойини суғурта қилиш Шартномасини (кейинги ўринларда – суғурта Шартномаси) тузиш тўғрисида қилинган таклифидир. Шартноманинг Томонлари Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчидир.

Ушбу Оферта шартларини қабул қилиш ва белгиланган суғурта мукофотини тўлаш унинг шартларини акцептлаш ва суғурта Шартномасини тузиш учун Суғурта қилдирувчининг розилиги ҳисобланади. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўланганлиги тасдиқлангандан сўнг, унга электрон почта орқали суғурта полисининг электрон ҳужжати юборилади ва суғурта Шартномаси тузилган ҳисобланади.

Ушбу Офертанинг шартларига мувофиқ, қурилиш якунланиб, фойдаланишга қабул қилинган ва кадастр ҳужжатиغا эга бўлган, қонун ҳужжатларига биноан яшаш учун яроқсиз деб топилмаган, пойдевори ва сув ўтказмайдиган томи, ойна ва деразалари мавжуд, мустаҳкам турар жой ва мазкур жойнинг конструктив ажралмас қисми бўлган қурилмалар суғуртага олинади. Суғурталанган уй-жой суғурта полисида кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 370-моддасига мувофиқ ушбу Оферта шартларини сўзсиз қабул қилиш (акцептлаш) Оферта шартларини Қабул қилиш деб ҳисобланади, ва бу билан қуйидагиларга розилик билдирилади:

- ушбу Оферта шартлари, шу жумладан унда кўрсатилган суғурта қилиш шартлари;
- аризани тўлдиришда кўрсатилган шахсга доир маълумотларга ишлов бериш учун, шу жумладан йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш, фойдаланиш, эгасизлантириш, блокировка қилиш, йўқ қилиш (йўқ қилиш тўғрисида хабар бермасдан), автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган усулда ишлов бериш орқали 5 йил муддатга суғурта фаолиятини амалга ошириш мақсадида, шунингдек суғурта Шартномасини бажариш мақсадида, ички иш юритишни учинчи шахсларга топшириш.

Ушбу Оферта шартларида Суғурталовчи билан суғурта Шартномасини тузган муомалага лаёқатли жисмоний шахслар, Ўзбекистон фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшайдиган чет эл фуқаролари Суғурта қилдирувчи бўлиши мумкин.

Суғурта қилдирувчи ўз ҳуқуқи ва муомала лаёқатини тасдиқлайди, шунингдек Суғурталовчининг Интернет-ресурси орқали суғурта Шартномасини тузиш натижасида ўзига юклатилган мажбуриятлар учун жавобгарликни англайди.

Суғурталовчининг Интернет-ресурсида суғурта Шартномасини онлайн режимида тузиш учун Суғурта қилдирувчи электрон почта манзили ва мобил телефон рақамига эга бўлиши шарт.

Суғурталаш учун ариза бўлиб Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг Интернет-ресурсида суғурта Шартномасини тузиш учун зарур ва аҳамиятли бўлган барча маълумотларни киритиш ҳисобланади.

Суғурталовчи Ўзбекистон Республикаси “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 62-моддаси талабларига мувофиқ Суғурта қилдирувчи ва суғурта Шартномасида кўрсатилган бошқа жисмоний шахсларнинг шахсга доир маълумотлари хавфсизлигини ва ошкор қилинмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Кейинги ўринларда матнда келтирилган “Оферта”, “Суғурта шартномаси” ва “Суғурта полиси” ҳаволалари ушбу электрон ҳужжатга нисбатан бир хил маънога эга.

1-БЎЛИМ. УМУМИЙ ШАРТЛАР

1.1. Умумий тушунчалар:

1.1.1. **Суғурталовчи** – Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 11 декабрдаги SF 00006-сонли Лицензиясига

асосан ўз суғурта фаолиятини олиб борувчи “Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ.

1.1.2. **Суғурта қилдирувчи** – қонунчилик ёки қонунчиликда назарда тутилган ҳужжатга кўра уй-жой сакланишидан манфаатдор, ушбу Офертага мувофиқ суғурта шартномасини тузган жисмоний шахс.

1.1.3. **Суғурта пули (Суғурта мажбурияти)** – суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурталовчи суғурта товонини тўлаши бўйича мажбуриятининг чегарасини билдирувчи пул миқдори.

1.1.4. **Суғурта полиси (Полис)** – мазкур Офертани ўз ичига олган суғурта шартномаси.

1.1.5. **Суғурта товони** – суғурта ҳодисаси юз берганда зарарни қоплаш учун Суғурталовчи томонидан суғурта пулидан ошмаган миқдорда тўлаб бериладиган пул маблағи.

1.1.6. **Шартсиз франшиза** – зарарнинг тўланмайдиган қисми бўлиб, суғурта пулининг маълум миқдорида ўрнатилади. Зарар миқдори шартсиз франшиза чегарасидан ортиқ бўлган тақдирда, шартсиз франшиза суммаси зарар суммасидан чегириб қолинади.

1.1.7. **Суғурта муддати** – Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини ўз вақтида тўлаши шарти билан ушбу суғурта амал қиладиган вақт даври.

1.1.8. **Суғурта мукофоти** – суғурта учун Суғурталовчига тўланиши шарт бўлган тўлов.

1.1.9. **Суғурталанган уй-жой** – қурилиш якунланиб, фойдаланишга қабул қилинган ва кадастр ҳужжатига эга бўлган, қонун ҳужжатларига биноан яшаш учун яроқсиз деб топилмаган, пойдевори ва сув ўтказмайдиган томи, ойна ва деразалари мавжуд, мустаҳкам турар жой ва мазкур жойнинг конструктив ажралмас қисми бўлган қурилмалар. Агар уй-жой бир нечта бинодан иборат бўлса, барча бинолар полисда кўрсатилиши шарт, акс ҳолда алоҳида қурилган бинолар суғурталанган уй-жой ҳисобланмайди.

1.1.10. **Учинчи шахслар** – Суғурта қилдирувчининг яқин қариндошлари (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, турмуш ўртоғи, фарзандлари) бўлмаган ва (ёки) суғурталанган уй-жой манзилида рўйхатда турмайдиган шахслар.

1.2. Суғурта шартномасини тузиш ва кучга кириш тартиби:

1.2.1. Ушбу Оферта Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига сотув ва суғурта хизматларини кўрсатиш шартларини белгиладиган электрон ҳужжатдир;

1.2.2. Суғурта шартномаси (суғурта полиси) Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тақдим этган маълумотлари асосида шакллантирилади;

1.2.3. Суғурта қилдирувчи электрон аризининг талаб қилинган майдонларини мустақил равишда ва аризада кўрсатилган ҳужжатларнинг аслига мувофиқ равишда тўлдиради;

1.2.4. Суғурта қилдирувчи аризадаги ҳужжатларнинг аслига тўғри ва бир хиллиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади, шунингдек, аризадаги ҳужжатлар уларнинг асл нусхаларига тўғри келмаса, суғурта ҳодисаси содир бўлганда, Суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан бош тортишга ҳақли эканлигига розилик билдиради;

1.2.5. Аризада кўрсатилган ва унга киритилган ҳужжатларнинг маълумотлари автоматик равишда Суғурта шартномаси (суғурта полиси)га киритилади;

1.2.6. Офертада таклиф қилинган суғурта шартлари билан рози бўлса, Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг ахборот тизимида ўз розилигини тасдиқлайди ва суғурта Шартномасини тузиш тўғрисидаги Аризани (кейинги ўринларда Ариза) онлайн режимда Суғурталовчининг ахборот тизимларидан фойдаланиш орқали тўлдиришга ўтади;

1.2.7. Аризани тўлдиришда суғурта ҳодисасининг содир бўлиш эҳтимоли ва унинг содир бўлишидан кўрилиши мумкин бўлган зарар миқдори (суғурта хавфи)ни аниқлаш учун Суғурталовчи учун аҳамиятли ва зарур бўлган барча маълумотларни кўрсатиш талаб қилинади. Барча маълумотлар ҳужжатларнинг асл нусхаларига қатъий мувофиқ равишда кўрсатилиши шарт;

1.2.8. Ариза тўлдирилганидан сўнг, Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан автоматик равишда “Суғурта мукофотини тўлаш ва суғурта полисини расмийлаштириш” тугмачасига очилади;

1.2.9. Суғурта шартномасининг томонлари Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта полиси олинганлиги суғурта шартномаси (суғурта полиси)ни тегишли тарзда имзолаш ҳисобланишини

тасдиқлайдилар;

1.2.10. Ушбу Офертани қабул қилиш ва суғурта шартномасини тузиш санаси Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан Суғурта қилдирувчининг суғурта мукофотини тўлаганлиги тасдиқланган сана ҳисобланади;

1.2.11. Суғурта муддати ва Суғурталовчининг суғурта мажбуриятлари суғурта полиси Суғурта қилдирувчига берилган кундан бошлаб 5 кун ўтиб кучга киради ва тўланган давр учун амал қилади.

1.3. Суғурта шартномаси (полиси) бўйича суғурта мукофотини тўлаш тартиби:

1.3.1. Суғурта шартномаси (полиси) бўйича суғурта мукофотини тўлаш Суғурталовчи томонидан қўлланиладиган ахборот тизимларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади (онлайн);

1.3.2. Тўлов тизимининг ҳимояланган каналига кейинчалик йўналтириш учун аризани қабул қилишни тасдиқлаш Суғурта қилдирувчи томонидан аризани тўлдиришда кўрсатилган мобил телефон рақамига Суғурталовчи томонидан СМС-хабар юборилиши орқали амалга оширилади;

1.3.3. Тасдиқлаш коди бўлган СМС-хабарни олганидан сўнг, Суғурта қилдирувчи электрон тўлов тизимини танлаши керак, шундан сўнг у танланган тўлов тизимининг веб-сайтига суғурта мукофотининг ҳисобланган миқдорини Суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш учун автоматик равишда йўналтирилади;

1.3.4. Суғурта полиси бўйича суғурта мукофотининг тўланганлиги тўғрисидаги тасдиқни олгандан сўнг, Суғурталовчининг ахборот тизими автоматик равишда Суғурта полисини электрон шаклда расмийлаштиради, уни Суғурта қилдирувчининг электрон почта манзилига юборади, кейинчалик Суғурта қилдирувчини Суғурта полиси серияси ва рақами тўғрисидаги ва Суғурта полиси электрон тарзда юборилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган СМС-хабарни юбориш орқали хабардор қилади;

1.3.5. Суғурталовчи тўлов Провайдерининг ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги, шунингдек Суғурта қилдирувчининг электрон тўлов тизими ва Интернет орқали тўлов билан боғлиқ ҳар қандай зарар ва хавфлари учун жавобгар эмас.

1.3.6. Банк картаси орқали суғурта мукофотини тўлаш тўғридан-тўғри Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи - карта эгаси томонидан амалга оширилиши керак. Суғурта қилдирувчи тўловни амалга ошириш учун банк картасини бошқа шахсга топширган тақдирда, Суғурта қилдирувчи унга боғлиқ барча хавфларни ўз зиммасига олади ва бу ҳолда суғурта мукофотини тўлаш Суғурта қилдирувчи томонидан амалга оширилганлигига розилик билдиради.

1.3.7. Суғурталовчининг ахборот тизимидаги “Суғурта мукофотини тўлаш ва суғурта полисини расмийлаштириш” тугмачасини босиш билан, шунингдек шаклланган суғурта мукофотини тўлаш орқали Оферта юборилган шахс Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 370-моддасига мувофиқ ушбу Оферта шартларига розилик билдиради.

1.4. Суғурта қилдирувчининг ташаббуси билан суғурта шартномасини (суғурта полисини) муддатидан олдин бекор қилиш. Суғурта мукофотини қайтариш:

1.4.1. Суғурта шартномаси, агар у кучга кирганидан сўнг суғурта ҳодисасининг содир бўлиш эҳтимоли йўқолган бўлса ва суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатлар туфайли суғурта хавфининг мавжудлиги тўхтатилган бўлса, у тузилган муддатдан олдин бекор қилинади.

1.4.2. 1.4.1-бандда кўрсатилган ҳолатлар туфайли суғурта шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, Суғурталовчи суғурта мукофотининг бир қисмини суғурта амал қилган вақтга мутаносиб равишда олиш ҳуқуқига эга.

1.4.3. Суғурта қилдирувчи, агар рад этиш пайтигача ушбу Офертанин 1.4.1-бандида кўрсатилган ҳолатлар туфайли суғурта ҳодисаси эҳтимоли йўқолмаса, суғурта Шартномасини бажаришни ҳар қандай вақтда рад этишга ҳақлидир. Шу билан бирга, Суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.

1.4.4. Суғурта қилдирувчининг ташаббуси билан суғурта шартномасини (суғурта полисини) муддатидан олдин бекор қилиш Суғурталовчига бекор қилиш тўғрисидаги ёзма аризани юбориш орқали, кейинчалик томонлар суғурта шартномасини бекор қилиш тўғрисида Келишувни имзолаган ҳолда амалга оширилади.

1.4.5. Суғурталовчининг ташаббуси билан суғурта шартномасини (суғурта полисини) муддатидан олдин бекор қилиш фақат қуйидаги ҳолларда бир томонлама амалга оширилади:

а) Суғурта қилдирувчи ёки Суғурталанган шахс томонидан режалаштирилган даволанишни амалга ошириш, тиббиёт муассасасига, Суғурталовчига нотўғри маълумотлар бериш ва ҳақиқатга мос келмайдиган ҳужжатларни тақдим этиш орқали қасддан суиистеъмол қилиш. Бундай ҳолда, Суғурталовчи ушбу ҳолатлар тасдиқланган тақдирда, Суғурта қилдирувчига/Суғурталанган шахсга ёзма равишда хабар бериш орқали суғурта Шартномасини бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир;

б) қонун ҳужжатларида ва суғурта шартномасида назарда тутилган ва руҳсат этилган ҳолларда.

СУҒУРТАЛОВЧИНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ: Тўлиқ номланиши:

“Ўзбекинвест” Экспорт-импорт суғуртаси компанияси” акциядорлик жамияти.

Почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100097, Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 6 уй. Электрон почта манзили (расмий Интернет-ресурс / электрон почта): www.uzbekinvest.uz office@uzbekinvest.uz Давлат рўйхатига олиш тўғрисида маълумот:

Жамият Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, реестр рақами 386.

Лицензия тўғрисида маълумот:

Лицензия: SF №00006 серияли, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2020 йил 11 декабрда берилган.

2-БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

1.1. Агар ушбу Офертанинг 3-бўлими билан истисно қилинмаган бўлса, суғурталанган уй-жойга кучли шамол (бўрон, довул), жала, сел, кўп қор ёғиши, дўл, яшин уриши, сув босиши, кўчки, зилзила, ёнғин, табиий газнинг портлаши, учинчи шахсларнинг қонунга зид ҳаракатлари, шунингдек уй-жойга унинг ёки қўшни хонадонларнинг сантехника, иситиш ёки канализация тизимлари ишдан чиқиши (носозликлари) натижасида зарар етиши, ваколатли ташкилот томонидан қуйидаги белгилар (кўрсаткичлар) ҳужжат билан тасдиқланганлиги шarti билан, суғурта ҳодисаси бўлиб ҳисобланади:

а) кучли шамол (бўрон, довул) – 15,0 м/с ва ундан катта тезликдаги шамол;

б) жала, кўп қор ёғиши – 12 соат давомида 15 мм ва ундан кўп ёққан ёнғингарчилик;

в) дўл – диаметри 10 мм ва ундан катта бўлган дўл;

г) зилзила – Рихтер шкаласи бўйича 4,5 балл ва ундан юқори кучга эга бўлган зилзила.

1.2. Агар 1.1-бандда кўрсатилмаган қалтисликлар натижасида уй-жойга зарар етса, бундай ҳолат суғурта ҳодисаси деб ҳисобланмайди ва суғурта товонини тўлаш мажбурияти юзага келмайди.

3-БЎЛИМ. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

3.1. Ушбу Офертага кўра қуйидаги воқеалар суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

а) қасддан ёки бепарволик натижасида қилинган ҳар қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида содир бўлган ҳодиса;

б) суғурталанган уй-жойда осон ёнувчан моддалар, буюмларни сақлаш ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши;

в) суғурталанган уй-жойга зараркундалар, термитлар ёки бошқа ҳашаротлар томонидан зарар етиши, табиий эскириши ёки ёмонлашиши, захарланиш, занглаш, қуруқ ёки хўл туташ, моғорлаш, ҳаво намлиги, захарланган тутун ёки экстремал табиий ҳароратдан етказилган зарар, бузилиш ёки шикастланиш;

г) суғурталанган уй-жойнинг қурилиш, монтаж, пардозлаш ва/ёки бўйлаш ишларида йўл қўйилган хато, камчилик ва/ёки яширин нуқсонлар ва шундай нуқсонлар натижасида келиб чиққан зарарлар.

д) уй-жойга ишлов бериш, ноқонуний қайта лойиҳалаш, уни янгилаш ёки таъмирлаш ишлари натижасида унинг зарарланиши, бузилиши ёки шикастланиши;

е) қуришиш, буғланиш, ёруғликка таъсирчанлик натижасида суғурталанган уй-жойнинг ёки унинг алоҳида қисмларининг ранги ўчиши (хиралашиши), сифати, текстураси ва/ёки структурасининг ўзгариши;

ж) суғурта қилишдан олдин мавжуд бўлган зарар, шикаст, ёриқлар;

з) уй-жойнинг томи, деразалари, деворларидан чакки ўтиши;

и) суғурталанган уй-жойга қўшимча равишда қурилган молхона, қўйхона, товукхона, омбор, тандир, алоҳида хожатхонага зарар етиши;

й) агар мулкый суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурталовчи суғурталанган мол-мулк давлат органларининг фармойиши билан олиб қўйилиши, мусодара қилиниши, реквизиция қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиб ташланиши оқибатида қўрилган зарар учун суғурта товонини тўлашдан озод қилинади;

к) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолатлар натижасида содир бўлган ҳодисалар.

4-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи томонидан ахборот тизимида оммавий шаклда тақдим этилган маълумотлар учун жавобгар эмас.

4.2. Суғурталовчи ўз ваколатига кирмайдиган ҳодиса ва ҳолатлар натижасида келиб чиқадиган салбий оқибатлар ва зарарлар, шунингдек учинчи шахсларнинг ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги учун жавобгар эмас, яъни:

- Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи томонидан тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ишончсизлиги, етарли эмаслиги ва ўз вақтида тақдим этилмаганлиги ёки Суғурта қилдирувчи томонидан ушбу Офертанинг шартлари ёки ҳужжатларга бўлган талабларнинг бузилганлиги оқибатида ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш имконсиз бўлса;

- ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун (улардаги маълумотларнинг ишончилиги ва тўлиқлиги);

- алоқа линияларининг узилиши, Суғурта қилдирувчи ускунасининг ишламай қолиши сабабли Суғурталовчи томонидан расмийлаштиришнинг иложи йўқлиги учун.

4.3. Томонлар ушбу Оферта бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ва/ёки лозим даражада бажармаганликлари учун ушбу Оферта ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги томонидан белгиланган тартиб ва шартларда жавобгар бўлишади.

4.4. Томонлар енгиб бўлмас куч ҳолатлари (форс-мажор) юзага келган тақдирда ушбу Оферта бўйича мажбуриятларни бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинадилар.

4.5. Суд томонидан ушбу Офертанинг бирор қоидаси ҳақиқий эмас деб топилиши қолган қоидаларнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди.

5-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:

а) Суғурталовчининг ёзма кўрсатмаларига асосан суғурта ҳодисаси натижасида юзага келаётган ёки келган зарар миқдорини камайтиришга қаратилган ҳаракат чораларини амалга ошириш;

б) Суғурталовчи ёки унинг вакилидан суғурта шартларига оид қўшимча маълумот ёки изоҳ олиш.

в) суғурта шартномасини Суғурталовчини 30 (ўттиз) кун олдин хабардор қилган ҳолда бекор қилиш.

5.2. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

а) суғурталанган уй-жойда барча зарур хавфсизлик талабларига риоя қилинишини

таъминлаш;

б) суғурта ҳодисасининг юз бериши эҳтимолини олдини олиш учун ўзига боғлиқ бўлган барча чораларни кўриши;

в) ушбу Офертанинг 6.1-бандида кўрсатилган муддат ва тартибда суғурта ҳодисаси юз берганлиги тўғрисида хабар бериш.

5.3. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

а) уй-жойни суғуртага олинаётган жараёнда мониторинг (кўздан кечириш) ўтказиш, фотосуратга олиш, кадастр ёки уй-жойга эгалик қилиш, ҳужжатлари ёки уй-жойнинг ўлчамлари кўрсатилган бошқа ҳужжатдан нусха олиш;

б) содир бўлган ҳодиса бўйича Суғурта қилдирувчига нисбатан тергов ёки суд суриштируви тайинланган бўлса, тергов ёки суднинг якуний қарори чиққунига қадар суғурта товони тўлашни тўхтатиб туриш;

в) агар Суғурта қилдирувчи ушбу Офертанинг 5.2-бандида кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги аниқланса, Суғурталовчи суғурта товонини тўлаш рад этиши ёки зарарланган уй-жойга етган зарарни ўз имкониятларидан фойдаланиб белгилаш;

г) тўғридан-тўғри жабрланувчи ёки унинг меросхўрларига суғурта товонини ёки таъминотини тўлаш.

5.4. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

а) Суғурта қилдирувчининг суғурта воқеасига тааллуқли суғурта даъвосини ушбу Офертанинг 6-бўлимида кўрсатилган муддатларда ҳал этиш;

б) Суғурта қилдирувчининг сўровномасига кўра суғурта шартларига оид кўшимча маълумот ёки изоҳ бериш.

6-БЎЛИМ. СУҒУРТА ДАЪВОЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

6.1. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурта қилдирувчи воқеа содир бўлган вақтдан бошлаб 72 соат ичида Суғурталовчига оғзаки равишда хабар бериши ва 5 (беш) иш куни ичида ёзма ариза билан мурожаат этиши шарт.

6.2. Суғурталанган уй-жой билан содир бўлган воқеани кўриб чиқиш учун Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳужжатларни Суғурталовчига тақдим этади:

а) воқеани кўриб чиқиш тўғрисида ариза;

б) суғурталанган уй-жойнинг кадастр ёки уй-жойга эгалик қилиш ҳужжатлари ёки уй-жойнинг ўлчамлари кўрсатилган бошқа ҳужжат нусхаси, агар ҳужжатлар воқеа натижасида нобуд бўлмаган бўлса;

в) зарарланган уй-жойнинг фотосуратлари;

г) тегишли ваколатли давлат идораларидан (Республика гидрометеорология ёки сейсмология марказлари, ички ишлар органлари, ёнғин хавфсизлиги хизматлари, маҳалла фуқаролар йиғини ва б.) уй-жойнинг зарарланиши, шикастланишининг келиб чиқиш сабабларини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли;

д) зарар миқдорини ҳисоблашга ваколатли ташкилотнинг уй-жойга етган зарарни аниқлаш (лойиҳа-смета) бўйича тузган ҳисоботи, ҳулосаси ёки бошқа ҳужжатининг асли (агар зарар миқдори 2 миллион сўмдан юқори бўлса). Зарар етганлиги ёки унинг ҳажми бўйича Суғурталовчида шубҳа туғилган тақдирда қайта экспертиза ўтказиш ҳуқуқига эга.

6.3. Ваколатли ташкилот томонидан берилган ҳужжат ўша ташкилотда ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган бўлиши лозим.

6.4. Суғурта ҳодисаси содир бўлганлигини тасдиқлаш мақсадида Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи, уй-жой ширкати (уюшмаси, фуқаролар йиғини ва ҳ.к.) ва ҳолис гувоҳлар иштирокида воқеа жойини кўздан кечириш далолатномаси тузилиши мумкин.

7-БЎЛИМ. СУҒУРТА ТОВОННИ ТЎЛАБ БЕРИШ ТАРТИБИ

7.1. Суғурта товони қуйидаги тартибда тўланади:

а) суғурталанган уй-жой тўлиқ нобуд бўлса, ушбу уй-жой учун ўрнатилган суғурта пулидан

шартсиз франшиза чегирилган миқдорда;

б) уй-жой зарарланса, уй-жойни тиклаш харажатларидан шартсиз франшиза чегирилган ҳолда суғурта пулидан ошмаган миқдорда тўланади.

7.2. Тиклаш харажатлари куйидагилардан иборат:

а) таъмирлаш (тиклаш) учун материаллар ва эҳтиёт қисмлар;

б) таъмирлаш бўйича иш ҳақи тўлови;

в) материалларни (эҳтиёт қисмларни) таъмирлаш жойига олиб бориш харажатлари;

г) уй-жойни тиклаш бўйича лойиҳа-сметани тайёрлаш харажатлари.

7.3. Суғурта ҳодисасининг юзага келиши ва зарар миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчига тақдим этилган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида Суғурталовчи тегишли қарор қабул қилади ва қарор қабул қилинган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида Суғурта қилдирувчига имзолаш учун суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.

7.4. Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи кўрсатган ҳисоб рақамига суғурта товони суммасини ўтказиб беради.

7.5. Суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори Суғурта қилдирувчига у суғурта товонини тўлашни сўраб мурожаат этган кундан бошлаб 15 (ўн беш) кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши шарт.

7.6. Агар Суғурта қилдирувчига етган зарар, зарарни етказган шахс томонидан қисман қопланса, Суғурталовчи қопланмаган зарар қисми миқдорида, ушбу Офертанинг 6.5. бандига мувофиқ суғурта товонини тўлаб беради.

Агар зарарни етказилишида айбдор шахс томонидан зарар қопланса, Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига бундай пул маблағлари олинганлиги ҳақида дарҳол хабар бериши ва ортиқча тўланган суғурта товонини Суғурталовчига қайтариши шарт.

7.7. Суғурта товонини тўлиқ ёки қисман тўлангандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 957-моддасига асосан (суброгация) тўланган суғурта товони миқдорида Суғурта қилдирувчининг зарар учун жавобгар бўлган шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи Суғурталовчига ўтади. Суғурта қилдирувчининг яқин қариндошлари (ота-онаси, ака-укалари, опасингиллари, турмуш ўртоғи, фарзандлари) ва суғурталанган уй-жойда рўйхатдан ўтган ёки қонуний ва муқим яшайдиган шахсларга нисбатан ушбу банднинг талаблари қўлланилмайди. Суғурта қилдирувчи етган зарар учун жавобгар бўлган шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса, Суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан озод бўлади.

8-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

8.2. Ушбу Офертадан келиб чиқадиган барча тортишувлар ва келишмовчиликлар томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда келишувга эришилмаган тақдирда ҳал этилади.